



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 7 ноябрь, № 230 (7460)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Қулай бизнес муҳити

шериклик муносабатларини фаоллаштиришга хизмат қилади



К олаверса, стендлар алоҳида йўналишлар бўйича жойлаштирилгани ҳам мулоқотларнинг самарали ва фойдали кечишини таъминламоқда. Масалан, пойтахтимизнинг Олмазор туманида фаолият юритаётган "Cream Mega Cheese" корхонасининг "Cream Cheese" савдо бренди остидаги озиқ-овқат маҳсулотлари юртимиз бозори учун янгилик эмас. Корхона ташқи савдо бўйича мутахассиси Роман Полузяниннинг айтишича, жамоа эндиликда экспорт имкониятларини ҳам ошириш ниятида. Шу мақсадда Россия, Қозоғистон, Грузия, Тожикистон, Украина сингари давлатларда рас-

сий савдо марказлари фаолиятини йўлга қўйиш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, "Ўзбекозиковқатхолдинг" холдинг компанияси, Ўзбекистон Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда Ошпазлар уюшмаси, "Ехро Position" масъулияти чекланган жамияти ва бошқа ташкилотлар томонидан ташкил этилган халқаро кўргазма доирасида турли семинар ҳамда тақдимотлар ўтказилиши режалаштирилган.

Дилшоод УЛУҒМУРДОВ («Халқ сўзи»).

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида қишлоқ ҳўжалиги, озиқ-овқат ва ичимликлар, озиқ-овқат саноати ҳамда қадоқлаш ускуналари намоишига бағишлаб ўтказилаётган халқаро кўргазма кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бинобарин, унда тақдим этилаётган маҳсулот ва хизматларнинг барчаси замонавий. Бу эса иштирокчиларнинг соҳадаги янгиликлардан хабардор бўлиши билан бирга, янги бизнес шериклар топишларида қўл келаётир.

Таъдбирда Хитой, Қозоғистон, Жанубий Корея, Латвия, Россия, Туркия, Озарбайжон, Шри-Ланка каби давлатларнинг 80 дан ортиқ компанияларидан вакиллар қатнашаётгани бу борадаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Халқаро кўргазма



Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Икки томонлама муносабатлар жадал ривожланиб бормоқда

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон парламенти делегацияси расмий ташриф билан Қозоғистонда бўлди. Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан учрашди.

Хамкорлик

"Қозоғистон ва Ўзбекистон ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор бўлибгина қолмай, балки қатор масалаларда бир-бирини тўлдириб туради. Шунинг учун муваффақият қозонишимиз мўқаррар. Боз устига, биз Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан ҳар жаҳда ҳамкорликни ривожлантириш учун фаол ҳаракат қилишга келишиб олганмиз", деди учрашув давомида Қосим-Жомарт Тоқаев.

қасб этаётганлигини таъкидлади. Учрашув давомида томонлар юксак даражада эришилган келишувлар ижросининг бориши ва кенг қўламли икки томонлама ҳамкорликнинг бошқа масалаларини муҳокама қилдилар. Шунингдек, кун тартибидagi минтақавий ва халқаро долзарб мавзулар юзасида ҳам ўзаро фикр алмашилди.

Расмий ташриф доирасида Олий Мажлис Сенати Раиси Қозоғистон Республикаси Парламенти аъзолари билан ҳам учрашди.

Унда Ўзбекистонда Қозоғистон раҳбариятининг мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга улкан аҳамият бераётганлиги юксак қадрланиши қайд этилди. Икки томонлама сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар муносабатлар суръати узлуксиз ошиб бормоқда, бу эса икки давлат манфаатларига тўлиқ жавоб беради.



ШХТ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Тошкентда 6 ноябрь кун ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг (ШХТ МАТТ) еттинчи халқаро илмий-амалий конференцияси ўз ишини бошлади.

Таъдбирда ШХТга аъзо мамлакатлар ваколатли органлари, кузатувчи ҳамда мулоқот бўйича шерик давлатлар, шунингдек, БМТ, МДХ, ЕХХТ ҳамда Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш (ОХИЧК) каби нуфузли халқаро тузилмалар вакиллари иштирок этди.

ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия кўмитаси директори Жумахон Ғиёсов, ШХТ Бош қотиби ўринбосари Се Сяюнь, мамлакатимизнинг ШХТ ишлари бўйича миллий мувофиқлаштирувчиси Раҳматулла Нуримбетов ва бошқалар мазкур конференцияда қатнашиш истагида бўлган ҳамкор мамлакатлар ва ташкилотлар сони ортиб бораётгани, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат

Мирзиёевнинг халқаро миқёсда хавфсизликни таъминлашга қаратилган ташаббуслари бунда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ўз ишини ташкилотга аъзо давлатлар ваколатли органларига терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашда кўмаклашиш, бу борадаги фаолиятни мувофиқлаштириш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш асосида ташкил этиб келмоқда.

Тузилма терроризмга қарши курашда халқаро интилишларни бирлаштириш, шу орқали жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга интилади.



«САРДОРЛАР, СИЗ ЁЛҒИЗ ЭМАСИЗ!»

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан пойтахтимизда "5 ташаббус — беш имкон" шiori остида Республика сардорлар форуми бўлиб ўтмоқда.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирнинг тантанали очилиш маросимида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори ўринбосари Саида Мирзиёева, Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Алишер Саъдуллаев иштирок этди.

— Сиз фақатгина жамоат ишларида эмас, жамиятда фаол бўлишингиз керак, — деди Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева. —

Бунинг учун тизимда ёшлар парламенти ташкил қилиш лозим. Ушанда сизлар Олий Мажлис Сенатида ташкил этилаётган ялпи мажлисларда кузатувчи сифатида қатнашишингиз мумкин бўлади. Ёшларни қандай муаммолар қийнамоқда, қонун лойиҳаларига қандай таклифларингиз бор, шу ҳақда ўз фикрингизни эркин баён этишингизга имконият яратилади. Ёшлар ҳақида қонунлар қабул қилинганда муҳокамаларда сизлар иштирок этишингиз шарт.



Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси ва Франкфурт-Майн шаҳридаги Бош консулхонасида сайлов участкалари ташкил этилди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлигига бўлиб ўтадиган сайловларга мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналарида ҳам қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

Тараддуд

Жорий йилдаги сайловларда хорижда истикомат қилаётган барча ватандошларимизга овоз бериш учун янада қулай имкониятлар яратилмоқда. Хусусан, авваллари ушбу тадбирда фақат консуллик ваколатхоналаридан расмий рўйхатдан ўтган ўзбекистонликлар ўз конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланар эди. Энди эса чет элда вақтинча ёки доимий яшаётган Ўзбекистон фуқаролари ҳам дипломатик ваколатхоналаримизда ташкил этилган сайлов участкаларига мурожаат этиши ёки Ташқи ишлар вазирлигининг расмий веб-саҳифасидан рўйхатдан ўтиб, тегишли сайлов участкасида овоз бериши мумкин.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги элчихонаси ва Франкфурт-Майн шаҳридаги Бош консулхонасида 140-Дархон сайлов ок-

ругининг 8 ва 47-сайлов участкалари ташкил қилинди. Уларда сайловлар жараёнини юқори савияда амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Элчихона консуллик бўлими берган маълумотга кўра, айни пайтда мамлакатимизнинг 4 мингга яқин фуқаролари консуллик рўйхатида қайд этилган. Уларнинг аксарияти Германия ҳудудида истикомат қилади. Шу билан бирга, консуллик округига қарашли Швеция, Чехия ва Швейцарияда тахсил олаётган ёки вақтинча меҳнат қилаётган ватандошлар парламент сайловида қатнашишга катта қизиқиш билдирмоқда.

Марказий сайлов комиссиясининг "Сайлов қонунчилиги тарғиботи ойлигини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, хориждаги фуқароларимиз билан учрашувлар ўтказиб, уларни сайлов жараёнида фаоллигини ошириш, сиёсий билим

савиясини юксалтиришга қаратилган тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш долзарб масала сифатида белгиланган.

Элчихонанинг расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ва Германия оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни билан боғлиқ маълумотлар кенг тарқатилмоқда.

Бундан ташқари, конференциялар, давра суҳбатлари ва бошқа турли тадбирларда Германия жамоатчилиги вакилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида бажарилаётган ишлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига бўлиб ўтадиган сайловларни очик ва шаффоф тарзда ўтказиш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида маълумотлар тақдим этилмоқда.

«Дунё» АА. Берлин

Халқаро сиёсий институтлар мутасаддилари:

«Ўзбекистондаги саъй-ҳаракатларга хайрихоҳимиз»

Президентимиз 2019 йилнинг 15 июнида Душанбе шаҳрида ўтказилган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг бешинчи саммитида сўзлаган нутқида динлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, маърифат ва маданиятларни ўзаро бойитиш масалалари бўйича тизимли мулоқотни йўлга қўйишда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази самарали платформа бўлишини алоҳида таъкидлаган эди.

Эътироф

Ана шу ташаббуснинг навбатдаги амалий тасдиқи сифатида жорий йил 2-3 ноябрь кунлари Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида АҚШ Тинчлик институти билан ҳамкорликда халқаро анжуман ўтказилди. Унда Ўзбекистон, АҚШ, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Афғонистондан элликка яқин халқаро эксперт ҳамда илмий доиралар вакиллари иштирок этди.

Тадбир доирасида меҳ-

монлар Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилиб, халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолияти билан яқиндан танишди.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, бу йўналишда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.



ТАШҚИ БОЗОРГА ДАДИЛ КАДАМЛАР

Жорий йилнинг январь — сентябрь ойларида мамлакатимиз ташқи савдо айланмаси ҳажми 31 645,8 МЛН. АҚШ долларини ташкил этди.

Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 37,2% ошган.

Шундан:

Экспорт —

13 677,0 млн. АҚШ доллари (ўсиш суръати — 45,5%)

Импорт —

17 968,8 млн. АҚШ доллари (ўсиш суръати — 31,5%)

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

ИНВЕСТИЦИЯ УЧУН МУҲИМ ТАРМОҚ

Электр энергияси фақатгина саноат тармоқларини ривожлантирувчи қувват эмас, балки аҳоли турмуш даражасини белгиловчи муҳим восита ҳамдир. Зотан, энергетика тизимидаги барқарорлик хонадонларга чин маънода нур олиб кириши баробарида, одамлар кайфиятига кўтаринкилик бағишлайди, иқтисодиёт тармоқлари ривожига хизмат қилади.

Қарор ва ижро

Бугун юртимизга инвестиция киритиш истагидаги сармоядорлар кам эмас. Инвесторга эса, табиийки, кулай шарт-шароит керак. Яъни инвестор ишламоқчи бўлган ҳудудга электр энергияси доимий етказиб бериладими? Узилишлар бўлмайдами? У учун бу муҳим. Шарт-шароит эса, энг аввало, энергия таъминотида кўринадди. Аксинча бўлса-чи?.. Бу ҳолатда инвестиция ҳақида гапиришнинг ўзи ортиқча.

Англаганингиздек, республикамизнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишда, янги лойиҳаларни рўёбга чиқаришда, аҳоли даромади ошишида мазкур тизимнинг ўрни ниҳоятда бекиёс. Шу маънода, кейинги йилларда юртимизда соҳага энг илгор ишланма-

ларни татбиқ этиш, замонавий лойиҳалар орқали тежамкорликка эришиш, хорж инвестицияларини аниқ мақсадлар сари йўналтиришдек муҳим вазифаларга устувор эътибор берилаётгани бежиз эмас.

Жорий йилнинг 12 август куни давлатимиз раҳбари бошчилигида бўлиб ўтган иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда улардан самарали фойдаланиш, инвестицияларни, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштиришга бағишланган видеоселектор йиғилишида энергетика тизимидаги бошқа субъектлар қаторида Тахياتош ис- сиқлик электр станциясида янги буғ-газ қурилмаларини ўрнатиш ху- сусида ҳам сўз борганди.

Дорҳақиқат, Қорақалпоғистон Республикасидаги йирик лойиҳа ҳисобланган “Тахياتош ИЭС”да ҳар бирнинг қуввати **230 — 280 МВт** бўлган иккита буғ-газ қурилмаси курилиши инвестиция лойиҳаси яқин вақт ичида ишга туширилиши кутилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 11 сентябрдаги қарори асосида амалга оширилаётган ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 678,2 миллион АҚШ доллари бўлиб, унинг 300 миллион доллари Осиё тараққиёт банки кредити, 230,7 миллион доллари Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жағмараси кредити, қолгани эса “Ўзбекэнерго” АЖ маблағлари ва бошқа манбалар ҳисобига тўғри келади.

Инвестициявий лойиҳа тўлиқ ишга тушиши билан станциянинг қуввати 730 МВтдан 930 МВтгача ошади. Йиллик ишлаб чиқариладиган электр энергияси миқдори

3,2 миллиард кВт/соатдан 3,6 миллиард кВт/соатгача кўпаяди. Сув сарфи эса йилга 293 миллион куб метрга камайиб, 159 миллион куб метрни ташкил қилади. 1 кВт/соат электр энергиясини ишлаб чиқариш учун сарфланадиган шартли ёқилғи миқдори 170,36 гр/кВт/соатга камайди (Ҳозирги сарфланаётган шартли ёқилғи миқдори 430,3 гр/кВт/соат). Иккита буғ-газ қурилмаси ишга тушганидан сўнг бу кўрсаткич 259,94 гр/кВт/соатни ташкил қилади. Бу билан бир йилда 488,6 миллион куб метр табиий газ тежаллади. Атмосферага чиқарилган ялли чиқиндилар эса йилга 3056,6 тоннага камайди.

Лойиҳанинг қурилиш-монтаж ишлари бош пудратчи — Жанубий Кореянинг “Consortium of Hyundai Engineering Co. Ltd.” компанияси билан биргаликда субпудратчи ташиқлотлар томонидан 2017 йилнинг октябр ойида бошланган эди. Ҳозирги вақтда қурилиш-монтаж ишлари 85 фоиз бажарилган ва жорий йилда биринчи буғ-газ қурилмаси фойдаланишга топширилди.

Яна шунинг кайд этиш керакки, инвестициявий лойиҳа мураккаб технологик ускуналарга эга. Шу боис

мутахассисларни тайёрлашга ҳам жиддий аҳамият берилмоқда. Яъни шу кунгача станциянинг 60 нафар тажрибали мутахассиси “Навой ИЭС” АЖнинг ўқув марказида ўқитилди.

Яқинда мазкур лойиҳа тақдими тўлиқ бўлиб ўтди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда бош пудратчи ташкилот Жанубий Кореянинг “Consortium of Hyundai Engineering Co. Ltd.” компанияси раҳбарияти “Иссиқлик электр станциялари” АЖ, Ўзбекистон энергетика ҳодимлари касаб-уошмаси республика кенгаши, “Тахياتош ИЭС” АЖ мутасаддиларини жараён билан таништиришди.

Лойиҳа келгуси йилнинг иккинчи чорагида тўлиқ ишга туширилади. Натижада “Тахياتош ИЭС” АЖ Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини электр энергияси билан узлуксиз таъминлайди. У нафақат ушбу ҳудудлар, балки республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшади, албатта.

Қобилжон ҚИРФИЗАЛИЕВ,
Ўзбекистон энергетика
ҳодимлари
касаса уюшмаси
республика кенгаши раиси.

Сенатор минбари Давлатнинг банк ва банкнинг давлат мажбуриятлари учун жавоб бермаслиги ҳуқуқий жиҳатдан мустақкамланди

Мамлакатимизда банк тизимини барқарор ривожлантириш ва хорижий амалиётни қўллаш орқали улар фаолияти самарадорлигини ошириш билан омонатчилар ҳамда банк хизматларидан фойдаланувчилар манфаатларини ҳимоя қилиш зарурати амалдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунни тубдан қайта ишлаб чиқишни тақозо этди.

Куни кеча давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган янги Қонун илгор хорижий тажрибалар, умумэтироф этилган норма ва стандартлар, халқаро Базель кўмитасининг “Банк назоратининг асосий принциплари” асосида тубдан янгиланди. Қонунда банклар мустақиллиги оид талаблар кучайтирилди. Давлат ҳокимияти органларининг банклар фаолиятига аралашмаслиги, давлатнинг банк ва банкнинг давлат мажбуриятлари учун жавоб бермаслиги белгиланди.

Давлат органлари ва улар мансабдор шахсларига банклар фаолиятига, уларнинг кредит билан боғлиқ тадбиркорлик таваккалчиликларини бошқаришга, банк раҳбар ҳодимларини тайинлашга аралашши, шунингдек, банкнинг маблағлари ҳисобидан турли тўловлар ва бадаллар талаб қилиш тақиқлангани аниқ ёзиб қўйилган.

Мамлакатимиз ҳудудида банклар филиалларини ташкил этиш, улар ваколатхона ва бўлинмаларини очиб ташкил этиш, бу тизимлар фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ масалалар анчагина соддалаштирилди. Қонунда чет эл банкларининг Ўзбекистон Республикасида оқибатда имзоланганлари Марказий банк томонидан аккредитация қилиниши ҳам назарда тутилган.

Марказий банк рухсатномасига биноан, мамлакатимиз банкларининг чет элда ишлашлари, филиаллар ва ваколатхоналар очилиши, чет эл банкларини ташкил этишда қатнашиш тартиб-таомили ҳам белгиланган.

Қонун қарз олувчи кредитни қайтариш бўйича шартномада белгиланган талабни бузган ҳолларда, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни шартномада назарда тутилган тартибда муқаддатдан олдин ундириш ҳамда ундирувчи гаровдаги мол-мулкка қаратишга банкларнинг ҳақиқат эканлиги тўғрисидаги меъёр билан тўдирилди.

Умуман, Қонун банклар ва банк фаолияти қонунчилик асосининг янада тақомиллашуви, банк тизими ва иқтисодиётнинг жадал ривожланишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Мухамед ЖУМАГАЛДИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Бюджет ва иқтисодий
ислохотлар масалалари
қўмитаси раиси.

ШҲТ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Кенг миқёсдаги аксилтерроп тизимини яратишда тегишли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, изчил ва мустақкам алоқаларни ўрнатишни мақсад қилган.

ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг топириги-га кўра, ШҲТ Минтақавий аксилтерроп тузилмаси томонидан жорий йилда қатор келишувлар имзоланди. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Терроризмга қарши кураш қўмитаси ижроия директори, Африка терроризмининг ўрганиш ва тадқиқ қилиш маркази билан ҳамкорлик

тўғрисида, МДХ АКСИЛТЕРРОР маркази ҳамда Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти билан ўзаро англашув меморандумлари шулар жумласидан. Анжуманда ШҲТ ҳудудида терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича миллий тажриба масалаларига бағишланган шуёба мажлиси ташкил этилди. Унда Ўзбекистон, Хитой, Россия, Ҳиндистон, Эрон каби жами 15 давлатдан келган экспертлар маз-рузалари тингланди.

Ғайрат ХОННАЗАРОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

Икки томонлама муносабатлар жадал ривожланиб бормоқда

Масалан, Стратегик шериклик тўғрисида шартнома ҳамда Стратегик шериклиги янада чуқурлаштириш ва аҳил қўшничиликни мустақкамлаш тўғрисида қўша декларация имзоланиши ўзаро ҳамкорликни изчил ривожлантиришда янги даврни бошлаб берди.

Шундан келиб чиқиб, икки мамлакат Президентлари томонидан 2020 йил охиригача икки томонлама савдо ҳажмини 5 млрд. АҚШ долларигача ошириш, савдонинг диверсификациялаш, иқтисодий кооперация ва инвестициявий, шу жумладан, минтақаларо ҳамкорликнинг янги узоқ муқаддатли шакллари ривожлантириш вазифаси қўйилган.

Шунингдек, икки мамлакат фуқаролари ўзаро сафари

кўпайганлигини инобатга олиб, Т. Норбоева консуллик соҳасидаги айрим масалалар, шу жумладан, Қозоғистонда Ўзбекистон фуқаролари бўладиган муқаддатни узайтириш масаласини қайта кўриб чиқишни тақлиф қилди. Учрашувда Сенат раҳбари ҳам икки томонлама алоқаларда, ҳам турли долзарб масалаларни ҳал этишда парламент дипломатияси энг муҳим ташқи сиёсий ресурс сифатида эътироф этилишини таъкидлади.

Шунинг билан Олий Мажлис Сенати делегациясининг Қозоғистон Республикасига расмий ташрифи яқунланди.

Олий Мажлис Сенатининг
Ахборот хизмати
материаллари асосида
М. КАРИМОВА
тайёрлади.

Парламент ҳаёти АКТ соҳасида қандай муаммолар кўзга ташланмоқда?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида навбатдаги “Ҳукумат соати” ўтказилди. Унда депутатлар мамлакатда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлиги ҳамда мавжуд муаммолар, уларнинг ечимлари тўғрисида ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шухрат Содиқов жавобларини эшитди.

Қайд этилганидек, мазкур соҳада ўтган тўққиз ойда жами 7,9 трлн. сўмлик хизматлар кўрсатилган. Жумладан, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан 546,6 млрд. сўмлик компьютер дастурлаш хизматлари кўрсатилган. Уларни экспорт қилиш ҳажми 102,5 млн. доллари ташкил этган. Инвестиция дастурига мўвофиқ, жами 82,8 млн. доллар маблағ ўзлаштирилиб, белгиланган режа 153 фоизга бажарилган.

Телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш йўналишида оператор ва провайдерлар томонидан амалга оширилган кенг қўламли ишлар натижасида халқаро интернет тармоғига уланганининг умумий ўтказувчанлик қобилияти 1 200 Гбит/с, фойдаланилаётган сими 650,0 Гбит/с ташкил этган бўлиб, йил бошидагига нисбатан 48,1 фоиз ўсган.

“Ҳукумат соати”да депутатлар томонидан тизимда кўзга ташланаётган бир қатор муаммолар ҳусусида ҳам тўхталиб ўтилди. Хусусан, вазирлик мутасаддилари “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини яқини етказиш, аҳолининг тез ҳамда сифатли интернет хизматларидан фойдаланиши учун етарли шарт-шароитлар яратиш мақсадида тегишли дастурларни ўз вақтида амалга ошириши лозимлиги қайд этилди. Мобил алоқа тармоғини кенгайтириш лойиҳасини бажариш соҳасидаги мавжуд муаммоларни бартараф этиб, мазкур лойиҳани тўлиқ яқини етказиш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш тавсия қилинди.

Ижтимоий инфратузилма объектларининг интернет хизматларидан фойдаланиш имконияти кўрсаткичлари мамлакатдаги барча ижтимоий инфратузилма объектларининг сонига олиб қараганда жуда паст бўлиб, мазкур кўрсаткичларни кескин ошириш учун зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиб амалга ошириш юзасидан тақлиф берилди.

— Парламент кўйи палатасида ўтказилаётган “Ҳукумат соати”лари жойларда аҳоли билан учрашувлар чоғида халқимиз томонидан кўтарилаётган кўп қабатли масалаларга ечим топиш, уларга оид ишларни қиратишда муҳим роль ўйнамоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шухрат Шарофуддинов. — Шу жиҳатдан, бу галги тадбирда ҳам юртимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш билан боғлиқ кўп қабатли масалалар атрофида жавоб олиш имкони бўлди. Хусусан, кўпчиликни йўналтирадиган мобил алоқа сифатини яхшилаш бўйича кўрилаётган чоралар, вазирликнинг бу борадаги истиқбол режалари қатор қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кераклигини тақозо этиши маълум бўлди.

Қизгин савол-жавоблар руҳида ўтган тадбирда мамлакат ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳасидаги инвестициявий жозибадорлигини таъминлаш йўналишида қилинаётган ишлар самарадорлигини янада оширишга қаратилган қатор фикр-мулоҳаза ҳамда амалий тақлифлар билдирилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Электротехника: Маҳаллийлаштириш даражаси кўнгилдагидекми?

Тошкент шаҳрида “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамкорлигида “Кооперация кўнги” кўрғазма-ярмаркаси ташкил этилди. Бу орқали электротехника соҳасида кооперация алоқаларини кенгайтириш, импортни оптималлаштириш, маҳаллийлаштириш кўламини ошириш учун ишлаб чиқариш имкониятларини ўрганиш мақсад қилинган.



Кооперация

Ҳўш, бугун жадал ривожланаётган соҳалардан бири сифатида тилга олинаётган электротехника соҳасида маҳаллийлаштириш қай даражага етказилди?

Уюшма томонидан тақдим этилган маълумотларда келтирилишича, кабельсини маҳсулотларида бу 80 фоизга етган бўлса, юқори кучли ускуналарида 55, музлақтичларида 45, телевизор ва ҳаво совиткичларида 50, кир ювиш машиналарида 45 фоизни ташкил этмоқда. Ушбу рақамлар ҳам саноат ва тармоқларо кооперацияни янада ривожлантириш зарурлигини кўрсатиб турибди.

“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси бошқаруви раиси М. Юнусовнинг айтишича, “Кооперация кўнги” ярмаркаси айни шу мақсадга, яъни тармоқ ва тармоқларо алоқаларини мустақкамлашга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, кўрғазмага саноат тармоқлари корхоналари ва йирик тад-

биркорлик субъектлари жалб этилган бўлиб, улар эътиборига уюшма тизимида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган, аммо айни пайтда импорт қилинаётган бўлган қисм ва материаллар намойиш этилди. Шу аснода томонлар саноат кооперацияси асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва етказиб бериш масалаларини муҳокама қилдилар.

Жорий йилда уюшма корхоналари томонидан Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 19 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Натижада ўтган 10 ой ичида 1,7 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, импорт оптимизацияси

184,7 млн. долларга етказилди. 2020 йилда ҳам ушбу йўналишда ишлар давом эттирилиб, 25 та маҳаллийлаштириш лойиҳаси бўйича 2 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш бўйича олиб борилаётган сайҳаракатлар жорий йил якунига қадар 7 трлн. сўмлик 2 мингдан зиёд турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкони бериши алоҳида эътиборга моликдир.

Сайд РАҲМОНОВ
(«Халқ сўзи»).

Ҳоким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ Ундан унумли фойдаланган муваффақият қозонади.

Бўлажак сайловлар Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топган илгор демократик гояларнинг яққол ифодасига айланиши кутилмоқда. Сайловолди ташвиқоти бу жараённинг муҳим босқичларидан биридир. Негаки, депутатликка номзодлар ҳақида ишончли, ҳолис ва тўлиқ маълумот бўлмаган ҳолатда сайловларда эркин, оқилона ва масъулият билан овоз бериш мумкин эмас. Уз навбатида, сайловолди ташвиқоти сайловчилар овоз беришда иштирок этиш ёки этмаслиги, шунга мос равишда сайланган депутатга нисбатан муносабатини аниқлаб беради.

Нўқта назар

Сайловолди ташвиқоти мазкур сиёсий кампания даврида амалга оширилиб, фуқароларни номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган. У номзодлар шахсий ва иш билан боғлиқ фазилатлари, сиёсий қарашлари, дастури ёки сайловолди платформасига оид ишончли ахборотини имкон қадар тўлиқ тақдим этишга хизмат қилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, БМТ, ЕХТТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳужжатларида акс этган демократик, эркин ва адолатли сайловлар ўтказиш мезон ва стандартлари Конституциямиз ва Сайлов кодексидан ўз ифодасини топган.

Масалан, Асосий Қонунимизда сайлов ҳуқуқи ва сайловларни ўтказишнинг асосий тамойиллари белгиланган бўлса, Сайлов кодексидан сиёсий партиялар ва уларнинг номзодлари томонидан ташвиқот олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари кўрсатилган. Бунда уни ўтказиш учун тенг шароит яратиб бериш қатъий белгиланган. Бу Эркин ва адолатли сайлов принциплари тўғрисидаги декларация ҳамда Инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген ҳужжати қоидаларига тўла мос келади. Сайловолди ташвиқоти оммавий

ахборот воситалари, телекоммуникация ва интернет тармоқлари, босма, кўрғазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш ва тарқатиш орқали ҳам амалга оширилади. Қолаверса, омма олдига очик мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, фуқаролар йиғилишлари, интервьюлар, ОАВда чиқишлар, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш шаклида олиб борилади.

ахборот воситалари, телекоммуникация ва интернет тармоқлари, босма, кўрғазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш ва тарқатиш орқали ҳам амалга оширилади. Қолаверса, омма олдига очик мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, фуқаролар йиғилишлари, интервьюлар, ОАВда чиқишлар, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш шаклида олиб борилади.

Ташвиқотни сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланади. Сайловолди ташвиқоти номзодларни рўйхатга олиш учун белгиланган охири куннинг эртасидан бошланиб, сайлов кунини эртасидан беришга бир кун қолганида яқунланади.

ҳам ўз дастури ёки платформасини тушунириши ёки тарғиб қилиши мумкин. Фақат бу жараёнда сиёсий партиялар ўзлари ёки номзодларини ёқлаб овоз беришга чакирмайди. Бундай тадбирлар партияларнинг ўз ёки ҳомиёлик маблағлари ҳисобидан ўтказилади.

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод ўн нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлишга ҳақли. Ишончли вакиллар номзодга сайловни ўтказишда ёрдам беради, жумладан, уни сайлаш учун ташвиқот олиб боради.

Ташвиқот даврида ОАВдан фойдаланишда ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақтини ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан номзодлар учун тенг шароит яратилади. Албатта, бу талаб партия нашрлари учун тааллуқли эмас. Улар тегишли материални исталган ҳажмда беради. Партия газе-

таси, унинг электрон версияси ҳамда интернетдаги веб-сайти ўз

Қулайлик Вақт ҳам, харажат ҳам тежалди

Узун туманидаги Боботоғ ҳудуди туман марказидан қарийб 100, вилоят марказидан эса 250 километр узоқликда жойлашган. Бу ерда давлат хизматлари марказининг “Боботоғ” шохобчаси фаолият юритади. Илгари ушбу ҳудудда истиқомат қиладиган аҳоли тоғдан ўтиб, ҳам йўл харажатлари, ҳам кўп вақт сарфлаб туман марказига зарур ҳужжатлар учун борар эди. Энди мазкур шохобча орқали ҳудуднинг ўзида давлат хизматларидан фойдаланишяпти.

Бу каби қулайликлар Денов туманининг олис Сина қишлоғи ҳамда Бойсун туманининг Мачай ҳудудида ҳам йўлга қўйилган. Мазкур шохобчалар орқали шу йилнинг 9 ойи давомида жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат хизматлари кўрсатишга оид 1255 та муносабат қабул қилинди.

Узун, Олтинсой, Қизирик, Музработ ва Шеробод туманларида давлат хизматлари марказларининг барча шароитлар мўҳайё этилган замонавий бинолари фойдаланишга топширилди. Президентимиз томонидан илгари сурилган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган эзгу тамойил бугун жўртдошларимиз қалбидан чуқур жой олиб, давлат идораларининг олдига масъулиятли вазифаларни қўймоқда.

Зафар АКРАМОВ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Давлат хизматлари агентлиги
Сурхондарё вилоти бошқармаси
бошлиғи.

Каринэ ЖАВАОВА,
фалсафа фанлари доктори,
профессор.

Халқаро сиёсий институтлар мутасаддилари:

«Ўзбекистондаги саъй-ҳаракатларга хайрихоҳмиз»

Муҳбиримиз халқаро семинар иштирокчиларининг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олди. Куйида улар билан танишишингиз мумкин:



Ненси ЛИНДБОРГ, АКШ Тинчлик институти президенти:
— «С5+1» доирасида бўлиб ўтаётган семинар АКШ Тинчлик институти ва Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази билан ҳамкорликда ташкил қилинганидан бағоят мамнунимиз. Анжуманда Марказий Осиё давлатларининг илмий доира вакиллари, адабий нотўғри йўлга кириб қолганларни соғлом ҳаётга қайтариш соҳасининг етук экспертлари қатнашмоқда. Семинардан қўзланган асосий мақсад террористик ва экстремис-

тик ташкилотларга алдов йўли билан кириб қолганларни тўғри йўлга бошлаш, нотинч куйларга кетганларни юртига қайтариб, реабилитация қилишга қўмаклашиш масалаларини муҳокама қилиш, фикр ва тажриба алмашишдан иборат. Бу ишларни амалга оширишда «С5+1» мамлакатлари билан ҳамкорликни тобора кенгайтирялгимиз. Ишончим комилки, самара ўзини узоқ куттирмайди.

Биз Ўзбекистонга ташриф асосида ҳукумат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари мутасаддилари билан кўплаб учрашувлар ўтказиб, шу масалаларни муҳокама қилдик.

Ўзбекистон раҳбариятининг ташаббуси билан бир гуруҳ аёл ва болалар юртга қайтарилгани жасоратли иш бўлди. Бу эзгу тадбир кўплаб давлатлар учун ўрнак бўлиб, Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларида ҳам ўхшаш ҳаракатлар бошланишига туртки берди.

Марказ тўғрисидаги таассуротларим бир олам. У миллий ва замонавий меъморлик аънавалари асосида барпо этилган, барча қўлайликка эга, техник жиҳозлангани ривожланган давлатлар вакилларида ҳам ҳавас уйғотди. Айниқса, бу ердаги илмий муҳит алоҳида ажралиб туради. Тадқиқотчилар билан учрашиб билдимки, бу ерда ўз соҳасининг етук мутахассислари ишлайди.

Кенешбек САЙНАЗАРОВ, Қирғизистон Республикасидаги «Муштарак манфаатларни аниқлаш» Марказий Осиё дастурлари директори:



— Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ўта ноёб муассасалардан бўлиб, бутун Марказий Осиё халқларининг умумий илмий ва маданий мулкисанадиди.

Биз марказ билан май ойидан буён яқин ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Мана, бу ердаги дўстларимиз билан ушбу семинарни ўтказмоқдамиз. Анжуманда Марказий Осиёдаги барча мамлакатлардан вакиллар қатнашаётгани жуда қувонарлидир.

Ишончим комилки, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази бутун минтақа мамлакатлари диний-маърифий муассасалари, барча маърифатпарвар илм

номояндалари учун Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий ва Мовароуннаҳрдан етишиб чиққан бошқа буюк алломалар йўлини давом эттиришга хизмат қиладиган мулоқот майдонига, шериклик марказига айланади.

Марказ раҳбарияти билан суҳбатда Марказий Осиёнинг ҳар бир давлатидан 3-4 нафар ёш тадқиқотчининг бу ерда изланиш олиб боришини ташкил этиш масаласини ҳам муҳокама қилдик — токи, таълим ва изланишлар ниҳоясига етгач, улар юртига қайтиб, олган билимларини ўз тилида ёйсин.

Имом Бухорий яшаган даврдан ҳозирги кунгача битилган қўлма-ларнинг қозоқ, қирғиз, туркман ва тожик тилларига таржима қилиниши буюк алломаларнинг бой меросини тарғиб этиш йўлида муҳим дастуриламал, айти пайтда радикализм ва экстремизм каби иллатларга қарши маърифат билан курашишнинг кучли механизми бўлади.

Марказ илм аҳлини бирлаштириш, бой ҳамда ноёб меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш борасида жуда катта салоҳиятга эга.

Рустам АЗИЗИЙ, Тожикистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Илмий тадқиқотлар маркази директорининг ўринбосари:
— Ўшбу анжуман юксак савияда ташкил қилингани, марказ фаоли-



ятининг мазмунан жуда бой экани, хусусан, алломалар меросини тиклаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш, қайтадан англаш ва замонавийлаштириш борасидаги ишлар тахсинга лойиқлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистонда илмий меросни, халқнинг қадимий тарихини ўрганишга қизиқиш ортиб бораётгани қувонарлидир. Зеро, исломий илмлар, тарих бутун Марказий Осиё халқлари учун ўзлигини белгилашда муҳим омиллардан саналади.

Имом Бухорийдек буюк алломанинг илмий меросини ўрганиш, жамоатчиликни бунга жалб қилиш тарихий илдишларга қайтиш, одамларнинг қудрати ва салоҳиятини ошириш, ҳаётнинг барқарорлигини таъминлаш, радикализмни барта-раф этишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев тарихнинг мана шу қисмига алоҳида аҳамият қаратиб келаятгани яқин истиқболда ўз самарасини беради, албатта. Бундай ташаббуслар ҳам минтақавий, ҳам халқаро миқёсда қўллаб-қувватланаётгани эътиборда молиқ. Бу борада биз ҳам Ўзбекистон саъй-ҳаракатларига хайрихоҳмиз.

О. ФАЙЗИЕВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

Шароф Рашидовга эҳтиром

Бундан роппа-роса икки йил муқаддам Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан Жиззах шаҳрида атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидовнинг муаззам ҳайкали ўрнатилган эди.

Хотира
Кеча, 6 ноябрь кuni ушбу ҳайкал ҳузурига вилоятнинг меҳнат фахрийлари, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари тўпланишди. Йиғилганлар Ш. Рашидовнинг халқ бахт-саодати йўлида қилган хизматлари, замон қаҳрамонлари мадҳ этилган асарлари ҳамон ўқилаётгани ҳақида гапирдилар.

ИЖОДКОРЛАР ВА МУШТАРИЙЛАР УЧРАШУВИ

Шиддат билан давом этаётган глобаллашув жараёнларида кучли рақобат шaroити босма нашрлар олдига янгидан-янги талаблар қўймоқда.



Мулоқот
Хар қандай замонда газета мазмун-мундарижаси, аҳамияти, мутлолаа завқи билан доимо ўз ўқувчиларига эга бўлган. Ҳозир ҳам шундай.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририяти ижодий жамоасининг вилоятлар, шаҳар ва туманлар, қорхона-ташкilotлар меҳнат жамоаларида газетонхонлар билан ўтказаятган юзма-юз мулоқотлари жараёнида ана шу жиҳатлари алоҳида таъкидланди.

Ана шундай учрашувлардан бири «Farg'onaazot» акциядорлик жамиятида бўлиб ўтди.

«Farg'onaazot» акциядорлик жамияти «O'zbekiston» акциядорлик жамияти таркибидagi йирик саноат қорхоналаридан бири ҳисобланади. Унда 7 миңдан ортиқ ишчи-ҳодимлар меҳнат қилади. Завод маҳсулотлари нафақат мамлакат қишлоқ хўжалиги эҳтиёжла-

рини қондиради, балки ташқи бозорда ҳам харидорларига эга. Самимий учрашув давомида муштарийларнинг фикр-мулоҳазалари, тақлиф ва тавсиялари ўрганилиб, газетанинг келгуси фаолияти учун ижодий режалар тузилди. Жамият нурунийлар кенгаши раиси Абдулбоки Ориповнинг қайд этишича, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарини ишчи-ҳодимлар мунтазам равишда ўқиб боришади. Хар жума ўтказиладиган маънавий соатларида газеталарда чоп этилган тахлилий ҳамда танқидий руҳдаги мақолалар муҳокама қилиниб, уларга ўзаро муносабат билдирилади. Бу эса ишчиларнинг дунёқараши, ҳаёт тарзига, албатта, ижобий таъсир кўрсатади.

Элёржон ЭҲСОНОВ («Халқ сўзи»)

«Сайлов – 2019»

Партияларнинг таълим тизимидаги ташаббуслари

Ёш авлодни муносиб шарт-шaroитларда ўқитиш, тарбиялаш давлатнинг устувор вазифаларидан биридир. Халқаро пресс-клуб ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги сессиясида партияларнинг таълим муассасалари билан ҳамкорлиги, мактаблар ва мактабгача таълим даргоҳларида таълим сифатини ошириш учун қандай дастурлар тақдим этиши тўғрисидаги саволлар ўртага ташланди. Сийсий партиялар фаоллари шулар юзасидан ўз фикрларини билдирди.

Нилуфар ОТАЕВА, ЎзЛиДеП Аёллар билан ишлаш бўйича етакчи консултант:
— Ҳамма мактабларда ўқиш сифати тегишли талабга тўлиқ жавоб бермайди. Шу боис кўплаб ота-оналар ўз фарзандларини қўшимча дарсларга юборишга мажбур бўлмоқда. Бизнинг партиямиз бундай машғулотларни қўллаб-қувватлайди, чунки ўқитувчи 40 – 45 дақиқада барча ўқувчиларни қамраб ололмайди. Аммо репетиторнинг фаолияти қонуний бўлиши керак, айтилайлик, ўқув марказида ишлаши лозим. Шунда ота-она ўзи тўлаётган пул малакали мутахассис учун сарфланаётганини билиб, хотиржам тортади.

Баҳром БУРҲОНДИДНОВ, «Адолат» СДП раисининг Ахборот сиёсати бўйича маслаҳатчиси:

— 2030 йилгача мактабларда эркак ўқитувчилар сонини 50 фоизга етказиш партиямиз режасида мавжуд. Бундан ташқари, ўқитувчилар ҳам судьялар каби дахслислиқ ҳуқуқига эга бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз. Партиямиз умумтаълим мактаблари ўқувчиларига дарсликлар бепул берилишини тарғиб қилмоқда. Таълимдаги асосий муаммолардан бўлган ўрта мактабларни янги китоблар билан таъминлаш даражасини ошириш масаласи ҳам эътиборимизда бўлади.

Мунира КАҲҚОРОВА, «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзоси:

— Партиямиз Халқ таълими вазирлиги томонидан илгари суриляётган ўқитувчиларга лицензия бериш тўғрисидаги тақлифга қарши. Чунки, бу ҳолат, яъни ўқитувчиларни лицензиялаш таълим соҳасида коррупцияни вужудга келтиради. Ус-тозлар фанга меҳр бериш ўрнига, фақат лицензия олишни ўйлаб қолади.


Гулшан АСАТОВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши сектор мудири:

— Олий таълим муассасасига шартнома асосида ўқишга кирган баъзи кам таъминланган оилалар фарзандлари керакли пулни топа олмагани боис ўқимайди. Улар имтиёзли асосда тахсил олиши учун партиямиз маълум бир дастур ишлаб чиқмоқда. Унда белгиланган асосий вазифалардан яна бири мамлакатнинг чекка ҳудудларида ишлайдиган ўқитувчиларни қўллаб-қувватлашдир.

Эркин ОМОНОВ, Ўзбекистон Экологик партияси матбуот хизмати раҳбари:

— «Таълим тўғрисида»ги Қонунда мактабларда «Экология» фанини ўқитиш қайд этилган. Шу билан бирга, жойларда тарих тўғрақлари, экология дарслари, музейлар ва табиат бурчаклари ташкил этилди. Нима учун? Мақсад мактабгача таълим муассасаларида бошлаб, ўрта ва олий ўқув юртиларидан экологик таълим тизимини яратишдан иборатдир. Аммо афсуски, бугунги кунда экологик таълимда ягона тизим мавжуд эмас. Мактабларда ушбу фанини ўқитиш усули талабга жавоб бермайди. Дастуриимизда бу масалага алоҳида эътибор қаратилади.

Мунисхон КАРИМОВА («Халқ сўзи») ёзиб олди.



«САРДОРЛАР, СИЗ ЁЛГИЗ ЭМАССИЗ!»

Маълумки, «Камалак» болалар ташкилоти 2003 йил 21 май кuni ташкил толган. Ташкилот ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ёшлар иттифоқи қошида амалга оширади. Ташкилот фаолиятининг асосий мақсади — болаларни миллий ғоя асосида Ватанига содиқ, қомил фарзандлар этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ-манфаатларини ифода этиш, ҳимоя қилиш, истеъдоди ва қобилиятини рўйбга чиқариш ҳамда ривожлантириши учун шaroитлар яратиб беришдан иборат.

Унинг энг куйи бўғини — таълим муассасаларидаги «Камалак» болалар ташкилотининг Сардорлар кенгаши бўлиб, у болаларни ўз атрофида бирлаштиради. Сардорлар кенгаши умумий ўрта таълим муассасаларида Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти қошида фаолият юритади.

Тадбирда давлатимиз раҳбари илгари сурган 5 муҳим ташаббусдан қўзланган асосий мақсад ҳақида фикр билдирди.

— Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббусда ёшларнинг таълим олиши ва уларнинг тарбиясига асосий эътибор қаратилган, — деди С. Мирзиёева. — Уларнинг тўлиқ бажарилиши, миллионлаб йигит-қизларимиз янада билимли, маънан бар-

камол ва жисмонан соғлом, энг асосийси, бахтли бўлишига хизмат қилади. Аммо бу жараён ўз-ўзидан ёки юқоридан буйруқ бериш билангина амалга ошмайди. Бунда юртимизнинг сизлар каби энг фаол ва ҳўшқин ёшларининг ўрни жуда катта. 5 муҳим ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида лойиҳа офисининг ташкил этилгани бу йўлдаги дастлабки катта қадамдир. Мазкур офис белгиланган вазифаларни Ўзбекистон бўйлаб тизимли олиб боришга қўмаклашади. Бу ғояга миллионлаб одамларни жалб қилиб, уни ҳақиқий маънода халқ ва ёшлар ҳаракатида айлантиришга ёрдам беради. Бунда, аввало, офис бошқарув кенгаши аъзолари республика миқёсидаги сардорлар зиммасига катта масъулият ўқлайди. Ёшларга етакчилик қилиш, атрофдагиларга намуна бўлиш осон эмас. Лекин қалбимизда Ватанга муҳаббат, фидойилик, эртанги кунга ишонч бўлса, бу бизга куч беради. Сардорлар, сиз ёлғиз эмассиз. Президентимиз, ҳукумат аъзолари, мана биз сизнинг ёнингиздамыз. Доимо сизларни қўллашга тайёرمىз.

Республика сардорлар кенгаши сайловида чин маънода муносиб, қийинчиликлардан қўрмайдиган, энг ташаббускор ва энг тиришқоқ ёшлар галаба қозонишига ишонч билдирди.

Ёшлар ижод саройида иштирокчилар учун «Амир Темури» номли голограмма спектакль намойиш этилди. — Бундан икки йил аввал Хитойга таширфимиз мобайнида голограмма театри намойишида иштирок этган эдик, — деди Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси раиси Муродулла Алимбоев. — Ушунда нега Ўзбекистонда ҳам шундай лойиҳа қила олмаимиз, деган савол пайдо бўлди. Уни амалга оширишга астойдил бел боғладик. Буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темури ҳақида голограммага асосланган тарихий спектакль меҳнатимизнинг илк маҳсули бўлди. «Hologram World» голограммани яратувчи илгор технологиялар Германия, Япония ва Хитойдан олиб келинди. Ижодий жамоа ўз ишининг профессионалларидан иборат. Уларни тўплаш қийинчилик туғдирмади. Негаки, юртимизда истеъдод эгалари жуда кўп. Уларни юзага чиқариш кифоя, ижодий жараёнда айна жиҳатта алоҳида эътибор қаратдик.

Сайлов доирасида сардорлар ва ҳудудий «Камалак» болалар ташкилоти раислари учун семинар-тренинг ташкил этиш, шунингдек, уларнинг Тошкент шаҳридаги Президент мактабига таширф буюриши режалаштирилган.

Хуршид ҚОДИРОВ, ЎЗА мухбири.

Архивлар – ўтмишни англашда ишончли манба

Архивлар ўтмишни англашда ишончли манбадир. Қолаверса, улар аҳолининг барча қатлами билан ҳам аҳамиятли. Оқдий ишчи-ҳодим бўладими, талаба ёки олимми, барча-барча касб эгалари фаолияти ҳақидаги аниқ маълумотлар архивда мужассам бўлади.

Сана

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, архивларга ҳам эътибор кучайди. Ушбу тузилма учун янги-янги бинолар қурилиб, замонавий инфратузилма яратилди. Ҳозирги кунда вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси вилоят давлат архивлари, идораларо шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар архивлари ва тармоқларо архивлар фаолиятини бошқариб бормоқда.

Жумладан, биргина Қашқадарё вилояти давлат архивларидаги мавжуд 2650 та жамгармада 333 миңга яқин бошқарува оид, 3700 дан зиёд шахсий келиб чиқиш йиғмажилдлари, 9 527 та сурат-ҳужжат, шунингдек, 1924 — 1998 йилларга оид араб ва лотин алифбосидаги ўзбек ва рус тилидаги 8009 сақлов бир-

сан, ишчи-ҳодимларимизнинг меҳнат ҳақи микдори ўртача 45 фоиз оширилгани соҳа ҳодимларини беҳад қувонтирди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ҳудудимиздаги давлат архивларининг моддий-техника базасини ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, уларни интернет тармоғига улаш орқали аҳолига интер-фаол хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилгани таъкидлаш жоиз. Бу эса архивлар фаолиятини янада такомиллаштириш имконини бермоқда. Шу билан бирга вилоят архив иши ҳудудий бошқармасида расмий веб-сайт тизими йўлга қўйилди. Шунингдек, жорий йилда Косон, Муборак, Шаҳрисабз туман давлат архивлари биноси жорий таъмирланди. 2019 йилда Миришкор ва Нишон туманлари идораларо шахсий таркиб архиви ўз тасарруфидаги бинога эга бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 20 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси «Ўзархив» агентлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатларда архив ишини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, уларга бинолар ажратиш шахсий таркиб ҳужжатларини давлат архивларига ай-

лантириш, архивчи мутахассисларнинг малакасини ошириш учун алоҳида ўқув марказлари ташкил этиш назарда тутилган.

Архив муассасалари ҳодимла-



ри ҳужжатларни қабул қилиш учун тартибга келтириб, илмий-техник жиҳатдан қайта ишлайди, сақлайди ҳамда архив ҳужжатларидан фойдаланиб, уларни баён қилиш ва нашр этириш билан шугулланади. Бу ўта масъулиятли вазифанинг асосий қисми архившунослар зиммасига тушади. Ва-гун мана шундай масъулиятли вазифани С. С. Пак, Г. Райимова, М. Маҳмудова, Ф. Рўзиева ва Ф. Муҳаммадиева сингари фидойи архивчилар сидқидилдан адо этиб келяптилар.

Марказий давлат архивлари қошида ташкил этилган «Ижро назорати ва иш юритиш маҳорати» ҳамда «Идоравий архивлар фаолиятини ташкил этиш асослари» ўқув курсларида ҳар йили ҳодимларимиз малака оширмоқда.

Жорий йилда Шаҳрисабзда Республика ёш архивчилар форумининг ўтказилишидан қўзланган мақсад эса Президентимиз

томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббусни кенг тарғиб қилиш, ёшларимизнинг тарихни ўрганишга бўлган интилишини рағбатлантиришдан иборатдир.

Ўзбекистонда архив хизмати ташкил этилганига 100 йил тўлди. Ушбу сана муносабати билан вилоят давлат архивида

«Очиқ эшиклар кuni» бўлиб ўтди. Вилоят архив иши ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда сўз оланган архив тизимига сўнгги йилларда жиддий эътибор қаратилиб, соҳага оид қонунлар, қарор ва бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинаётганилиги, бу ўзгаришлар вилоятимиздаги архивлар фаолиятида ҳам ўз аксини топаётганилигини алоҳида таъкидлашди.

Шунингдек, «Очиқ эшиклар кuni»да «Архив ҳужжатлари кўргазмалар зали»да архив сақловидаги 1924 — 2017 йилларга оид ҳужжатлар ва суратлар кўргазмаси уюштирилди.

Тадбир якунида алоҳида намуна кўрсатган соҳа ҳодимлари ва фахрийлари муносиб тақдирланди.

Шухрат ТУРСУНОВ, Қашқадарё вилояти архив иши ҳудудий бошқармаси бошлиғи, иқтисодийёт фанлари номзоди.



«Ўзбекистон замонавий тенденциялар билан бирга, аждодларнинг бебаҳо тажрибасига таянмоқда»

Яқинда Франция халқаро ҳамжиҳатлик ва таълим ассоциацияси вакиллари юртимизга ташриф буюрди. Меҳмонлар Ўзбекистоннинг ёшлар сиёсати, таълим тизими, туризм соҳалари билан яқиндан таништирилди.

Бизнинг интервью



— Ўзбекистон — Шарқ юраги, — дейди у. — Бирга илк бор келишимиз. Ташрифимиздан мақсад таълим, маданият, адабиёт, экология соҳаларида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, икки давлат ёшлари ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашдир.

Ташрифимиз давомида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолияти билан танишиш асносида бунга яна бир бор амин бўлдик. Ушбу таълим тизими билан айланиб ўтишда, асосан, таълим тизими, туризм соҳалари билан яқиндан таништирилди.

Тарих ва маданият музейи очилди

Сурхон воҳасининг узоқ ва яқин тарихи ҳақидаги ноёб экспонатларни ўзида жамлаган вилоят ўлкашунослик музейи 85 йилдан буён халқимизга хизмат қилиб келмоқда.



Мерос

Эндликда унга Сурхондарё вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи номи берилиб, маскан ранг-баранг коллекцияни асраб-авайлаш ва уни халқимизга кенг намойиш қилиш учун мухташам бинога қўйилди.

санъат, "Мустақиллик даври" ҳамда "Этнография" сингари 5 та бўлимдан иборат. — дейди музей директори Саодат Инонтова. — Унинг фондида 16 та йўналишда 61 325 та экспонат мавжуд бўлиб, шундан 3150 таси ноёб ашё ва коллекциялар сирасига кирди.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазири Мақамаси

Молия муассасаларида

Ишбилармонлар учун, биринчи навбатда, нима зарур? Албатта, қулай бизнес муҳити! Қолаверса, имконият, имтиёз ва кўмак — тадбиркорлик ривожининг кафолати. Шундай экан, мамлакатимизда бу соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишловлар самарасидан ҳар қанча қувонсанг арзийди.

«Ўзмиллийбанк»: ЛОЙИҲА ПУХТА БЎЛСА, КРЕДИТ ТОПИЛАДИ



«Само» қандай машҳур бўлди?

Тан олиш керак, ҳар қандай истикболли лойиҳа рўёби молиявий ресурсларга бориб тақаллади. Тўғри-да, ҳамёнингизда етарли маблағингиз бўлмай туриб, ишбилармонликка қандай қўл ура оласиз ахир?! Бу борада халқимиз жуда тоғиб айтган: "Пул пулни чақиради".

даги сифатли маҳсулотлари хорижда ҳам ўз харидорларини топди. Хўш, бундай муваффақиятга қандай эришилди? Энг аввало, пухта ва аниқ мақсадга йўналтирилган истикболли лойиҳа ишлаб чиқилди. Ушбу бизнес-режа Миллий банкнинг Андижон вилояти бўлими мустақилликка маъқул тушди.

ра юксалиб бораётганига гувоҳ бўламиз. — Корхонамизда ишчилар учун барча шароит яратилган, — дейди тикувчи Санобархон Мамарасуллова. — Катнашимиз учун автобуслар ажратилган. Уч маҳал иссиқ овқат муҳайё. Ойлик маошимизни ўз вақтида

савдо дўконига эга. Хориждаги йирик савдо мажмуалари билан ҳам яқин алоқа урнатган. Маҳсулот тайёрлашда ҳар бир мамлакатдаги харидорларнинг талаб ва истаклари инобатга олинди. Бунинг учун ўзбек дизайнерлари билан бир қаторда, Беларусь, Туркия каби дав-

риш кўзда тутилган. Айни пайтда корхона пахта ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва ундан тола йиғириш каби йўналишларни ўзлаштирган бўлиб, мазкур жараёнга жами 400 нафар ишчи-мутахассис жалб этилган. Келгусида тўқув, тикув, чехлари ишга туширилиши баробарида, чигитни қайта ишлаш орқали ёғ маҳсулоти тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

38 фоизни ташкил этади. Ваҳолонки, мазкур кўрсаткич турдош дастгоҳларда 33 фоиздан иборат.



Салмоқ ортиди, сифат ҳам

Кўрғонтепа тумани қўшни Қирғизистон Республикаси билан туташ. Бу ҳудудда жойлашган "KhanTex Group" масъулияти чекланган жамияти кластер усулида пахта етиштиришга ихтисослаштирилган.

ишлаб чиқариш объекти Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида ягона ҳисобланади. Унинг афзаллик жиҳатларидан бири шундаки, турдош корхоналарга нисбатан электр энергиясини 50 фоиз тежайди.

Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»). Хурсандбек АРАББОВЕВ олган суратлар. Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистонда Қозоғистон йили

ҚАРДОШ ХАЛҚ РАҚСЛАРИНИНГ ЖОЗИБАСИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида Ўзбекистонда Қозоғистон йили доирасида қардош мамлакатнинг Миллий хореография академияси талаба-ёшлари иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Мамлакатимизда бўлиб ўтаётган Ўзбекистонда Қозоғистон йили кўтаринки ва байрамона руҳи, ранг-баранг тадбирлари, қамровининг ғоят кенглиги, икки халқ ўртасидаги маданий-маърифий алоқаларни тобора мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятга молик бўлмоқда.

демияси ташкил топганига ҳали унчалик кўп вақт ўтмаган бўлса-да, мазкур бўлиб даргоҳи истеъдодларни фаол қўллаб-қувватлаши, уларни мамлакат ва халқаро миқёсда таништиришга эътиборни қўйишга таянган билан аҳамиятлидир.

ўзига жамлаган. Сафаримиз давомида Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида ҳам бўлди. Талаба-ёшлар, ўқитувчилар алмашинувида доир дастурларни ҳаётга таъбиқ этишга келишиб олди.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги «Коммунизм» агентлиги ва Жаҳон банки томонидан молиялаштирилган «Сув таъминоти хизматларини институционал қўллаб-қувватлаш дастури» доирасида «Эксперт Эксперт» консалтинг компанияси томонидан «Экологик ва иқтимоий бошқарув бўйича рама ҳужжати» ва «Қўриқ бўйича рама сиёсати» ҳужжатларини ўрганиш ишлари юзасидан яқиний ҳисоботи тайёрланди.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 46 000 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ИННОВАЦИЯ

янгиликлари

Нобель мукофоти совриндори юртимизда

Инновацион ривожланиш вазирлигининг таклифига кўра, Технион — Исроил технология институти Материалшунослик ва муҳандислик кафедраси профессори, кимё бўйича Нобель мукофоти лауреати Дан Шехтман мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди.

Ўзбекистон — Хитой фармацевтика заводи қурилиши бошланди

Инновацион ривожланиш вазирлигида ХХР Илм-фан ва технологиялар вазирлигининг Ижтимоий соҳаларда илм-фан ва технологияларни ривожлантириш департаменти бош директори уринбосари Тянь Баогу бошчилигидаги Хитой делегацияси билан учрашув бўлиб ўтди.

Манзиллимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов. Мусаҳҳиш — Ш. Машраббеов.